

АЖРИМ

(ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2025 йил март ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Сўх туман суди, Фарғона шаҳар А.Навоий МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мадумаров, Ш.Юлдашеванинг котиблигида, Сўх туман прокурори ёрдамчиси Х.Солижонов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси М.Паёзова, жабрланувчи [REDACTED] ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] га оид №1-1516-2501/40-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

[REDACTED]
1990 йил 26 март куни [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 5 нафар фарзанди бор, телефон аппаратлари таъмирловчи уста, [REDACTED] шаҳар, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини ўз вақтида олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

аниқлади:

Судланувчи [REDACTED] 2024 йил 12 октябрь куни соат 19:30 ларда [REDACTED] шаҳар, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уй ертўласида жойлашган “Xapple” номли телефон аппаратлари савдо дўконида телефон аппаратлари таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келиб, [REDACTED] ни чалғиб турганлигидан фойдаланиб, савдо растаси устида қаровсиз ҳолатда турган [REDACTED] га тегишли умумий қиймати 18.000.000 сўмлик 7 дона “Хиаоми 11 лите”, “Самсунг С20” “Айфон 15 про”, “Самсунг А50”, “Айфон Х”, “Самсунг А32”, “Айфон 14 про мах” русумли телефон аппаратлари ва бир дона қиймати 230 АҚШ доллари бўлган телефон экранларини яширин равишда ўғирлаган.

Жиноят ишини судда кўриш давомида иш бўйича жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга нисбатан тазйиқ ўтказилмаганлиги, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, ўзига нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддасига кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (жабрланувчи) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин, агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади, агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига кўра, мазкур Кодекс 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи [REDACTED] билан ярашиб, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Шунга кўра ҳамда судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] нинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, суд, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатиш лозимлиги ҳақида тўхтамга келди.

Бундан ташқари, суд, ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи [REDACTED] га суд ярашувни тасдиқлаганидан сўнг, у томонидан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилишини тушунтириб ўтишни лозим топди.

Шунингдек, суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, 1 дона “Инфининикс нот 40” русумли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи [REDACTED] га тилхат асосида қайтаришни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 401, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд,

ажрим қилди:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, 1 дона “Инфиникс нот 40” русумли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи га тилхат асосида қайтарилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, айбланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ш.Мадумаров

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Сўх туман судининг раиси

Ш.Мадумаров

